

Абдурашидов Давронбек Олимжон ўғли

АДУ Лингвистика йўналиши

2-босқич магистранти

**Аннотация:** Мақолада ҳозирги кунда гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланган герменевтика фани юзасидан баъзи мулоҳазалар келтириб ўтилган. Шунингдек, герменевтика ва прагматика йўналишлари боғлиқлиги тушунтирилган.

**Калит сўзлар:** герменевтика, прагматика, гуманитар фанлар, таълимот, матн, тушунча, нутқ, маъно.

**Аннотация:** В статье приводятся некоторые размышления о герменевтике, которая в настоящее время считается методологической основой гуманитарных наук. Также объясняется связь направлений герменевтики и прагматики.

**Ключевые слова:** герменевтика, прагматика, гуманитарные науки, учение, текст, понятие, речь, смысл.

**Annotation:** the article presents some reflections on the science of hermeneutics, which is now considered the methodological basis of the humanities. It is also explained that the directions of hermeneutics and pragmatics are connected.

**Keywords:** hermeneutics, pragmatics, humanities, doctrine, text, concept, speech, meaning.

Ҳозирги кунда герменевтика гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Матнда муаллифнинг нима демоқчилигини ўқувчи томонидан тўғри тушуна олиш герменевтиканинг вазифаси.

Герменевтиканинг илдишлари антик даврларга бориб тақалса-да, мустақил илмий йўналиш сифатида XIX асрда немис мутафаккирлари Ф. Шлейермахер ва В. Дилтей асарлари орқали шаклланди. Бу йўналиш XX асрда немис олими Г. Г. Гадамер ва француз олими П. Рикёр томонидан ривожлантирилди. Г. Г. Шпет мазкур таълимотнинг кўп асрлик тарихини тадқиқ этган бўлса,<sup>29</sup> М. М. Бахтин ўзининг “Гуманитар фанларнинг фалсафий асосларига доир”, “Гуманитар фанларнинг методологиясига доир”, “Адабиётшунослик методологиясига доир” китоблари орқали оммалаштирди.

Герменевтиканинг марказий тушунчаси тушунишдир. Шлейермахер ўзи кашф этган герменевтик доирани талқин қилишнинг асосий тамойили ҳисоблайди. Бунга мувофиқ, бутунлик (масалан, матн)га хос руҳ унинг алоҳида қисмларида ҳам ўз таъсирини қолдиради. Бўлаклар бутунлик асоси, бутунлик эса бўлакларнинг ички уйғунлиги сифатида тушунилиши лозим.<sup>30</sup>

<sup>29</sup> Шпет Г. Г. Герменевтика и ее проблемы... / Контекст. – М., 1989-1992.

<sup>30</sup> Скирбекк Г., Гилье Н. Кўрсатилган асар. – Б. 446.

Гадамер фикрича, тушуниш, энг аввало, нутқ орқали амалга ошади. Демак, тушуниш шахслараро муносабатда воқеланади. Сўзловчи ёки адибнинг матн орқали нима демоқчилигини тингловчи томонидан тўғри тушуниш герменевтиканинг асосий вазифаси саналади.

Нутқ гапларнинг, гап сўзларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топади. Демак, ҳар қандай нутқ бутун ва бўлакнинг шажаравий муносабатидан ташкил топади. Бунда бутунга хос умумий мазмун билан бўлакка хос хусусий мазмун иштирок этади. Гадамернинг таъкидлашича, бир бутун матнни тушуниш, унинг таркибидаги сўзлар йиғиндиси асосида тушуниш эмас, у айтилган ахборот яхлитлигидан келиб чиққан ҳодисадир.<sup>31</sup> Ҳар қандай нутқ шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатдан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ҳар икки томони ўзига хос ички тузилишга эга. Мазкур икки томоннинг ички тузилиши кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқ келмайди. Масалан, *Эшигингизга қулчиликка келдик* гапининг синтактик тузилиши билан мазмуний тузилиши бир-бирига мос келмайди. Ўзбекларнинг нутқ одоби, урф-одатини билмайдиган ўзбек тилини ўрганаётган шахс гап таркибидаги сўзларнинг алоҳида-алоҳида маъноларидан бутунга хос умумий маънони чиқаролмайди.

Бир қатор гапларда юза маъно остига тағмаъно яширинган бўлади. Айниқса, ана шундай шароитда тингловчига тилни тушуниш кўникмаси керак бўлади. Агар мазкур кўникмага эга бўлмаса, матнни тўғри тушунолмайди. Шу билан бирга, алоҳида нутқ парчасини бутундан узиб олинганда ҳам, бу нутқ парчасидан сўзловчининг мақсадини тўғри тушуниб бўлмайди. Шунинг учун матнни бутун ва бўлак муносабатини эътиборга олган ҳолда ўрганиш бўлак мазмунини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Тилшуносликнинг ҳозирги ривожланиш босқичи коммуникатив жараёни белгиловчи омилларга қизиқишнинг ортиши билан характерлидир. Шу муносабат билан турли тил сатҳларига оид бирликларни ўрганишда прагматик-коммуникатив ёндашув юзага келди. Қандай вазиятда фикрни энг аниқ ифодалаш ва қабул қилувчи томонидан англаш жараёнини шакллантириш воситаларини белгилайдиган прагматик омилларни аниқлаш муаммоси фонопрагматика, морфопрагматика, лексопрагматика, синтактик прагматика каби йўналишларга йўл очиб берди. Турли сатҳга оид тил бирликларини прагматик йўналишда тадқиқ этиш уларнинг бевосита кўзга ташланмайдиган, фақат нутқда юзага чикувчи ички имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Шу тариқа, фонетик, лексик, грамматик бирликларининг нутқий вазиятда актуаллашувини тадқиқ қилишда прагматик ёндашув методологияси юзага келди.

<sup>31</sup> Хализев В. Е. Теория литературы. – М., 2000. – С. 107.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Шпет Г. Г. Герменевтика и ее проблемы.../ Контекст. – М., 1989-1992.
2. Хализев В. Е. Теория литературы. – М., 2000.